


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА
ДОЛЗАРЪ УСУЛЛАРИ**
мавзусидаги республика миқёсидаги **ОНЛАЙН**
илмий-амалий анжумани материаллари

ТЎПЛАМИ



БУХОРО – 2020

ЛЕКСИКОГРАФИЯ ВА ЛУҒАТЧИЛИКНИНГ ЯНГИЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Шарипов С.С. (БухДУ)

Таянч сузлар: тил, маданият, маънавият, нутқ, лексикография, луғатчилик, термин, изоҳли луғат, парадигма.

Ключевые слова: язык, культура, духовность, речь, лексикография, словаристика, термин, толковый словарь, парадигма

Keywords: language, culture, culture diffusion, spirituality, culture shock, lexicography

Аннотация. Мақолада жаҳон лексикографиясида тил, маданият ва маънавият уйғунлиги, жаҳон луғатларида бу суздарнинг таржимаси ва инсон ҳаётида тутган ўрни намоён қилади.

Аннотация . Статья посвящена терминам язык, культура, духовность. О литературном значении языковой культуры и духовности.

Summary: In article was written about literary meaning of language, culture and spirituality. Here was discussed about their dictionary meaning and meaning of these words in some writers works

“Лексикография” ва лексикография. Лексикография – тил луғат бойлигини тўплаш ва тушунтириш муаммоси ечимига ихтисослашган лингвистик соҳа. Одатда, назарий ва амалий лексикография фаркланади. Бу терминларни ўзбек тилидаги *луғатшунослик* ва *луғатчилик* терминларининг муқобиллари сифатида тушуниш мумкин. *Луғатчилик* ёки амалий лексикография атамаси *луғатшунослик* терминига нисбатан кенгроқ мазмун-моҳиятга эга, у қатор ижтимоий вазифани бажаради:

- тил лексикасини тавсифлаш;
- адабий тил меъёрларини аниқлаш;
- миллатлараро коммуникацияни таъминлаш;
- тил лексикасига илмий баҳо бериш;
- муайян тил таълимига кўмаклашиш[7].

Тушунтириш ва кўрсатиш – лексикографиянинг бош тамойили. Изоҳли, этимологик ва таржима луғатлар тушунтириш вазифасини бажарса, имло ва талаффуз луғати кўрсатиш вазифасини бажаради. Илк луғатлар манбалар мазмунини тушунтириш мақсадида тузилган. Тушунтириш икки йўналишда намоён бўлади:

- эскирган тил бирликларини шу тил соҳибига тушунтириш;
- бир тил ифодасини бошқа тил соҳибига тушунтириш.

Биринчи ёндашув лексикографик табил, иккинчиси эса лексикографик таржима моҳиятига эга.

Эскирган тил бирликларини шу тил соҳибига тушунтириш амалиёти икки ҳолатда амалга оширилади:

- 1) тилдаги сўз фонетик жиҳатдан эскирганда;
- 2) тил ва ёзув тараққий этганда.

Дастлабки луғатлар фойдаланиши жиҳатдан умумлашган (ҳаммабоп) ва мазмун-мундарижаси жиҳатдан контекстуал характерга эга бўлган. Бошқача айтганда, улар социал ёки профессионал хосланмаган бўлиб, маълум бир матнларни ўқиб тушуниш имконини бериш хусусияти билан характерланади.

Демак, “луғатшунослик” маъносидаги ўзбек лексикографияси мутлақо яқин тарихга эга, “луғатлар тартиб бериш” семаси етакчилик қиладиган *луғатчилик* атамаси денотати эса анча қадимийлиги билан характерланади. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асари – ўзбек лексикографиясининг эмас, балки ўзбек луғатчилигининг ибтидоси. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг “Асосу-л-балоғ”, “Муқаддиму-л-адаб” асарлари, муаллифи номаълум Абушқа” изоҳли луғати, Толе Имони Ҳиравийнинг “Бадойе у-л-луғат”, Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахабу-л-луғат”, Мирзо Меҳдихоннинг “Санглоҳ”, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Сулаймон

Бухорийнинг “Луғати чиғатоий ва турки усмоний” (“Чиғатойча-туркча луғат”), Исҳоқхон Ибратнинг “Луғати ситтаа-с-сина” (“Олти тилли луғат») каби луғатларини “Ўзбек лексикографияси” мавзуси остида бериш урфга айланди. Бироқ улар луғатларни тадқиқ қилувчи лексикография соҳаси маҳсулотлари эмас, балки лексикография соҳасининг ўрганиш материали ёки объекти. Шу маънода лексикография луғат тузишнинг назарий масалалари, луғатчилик тарихи, мавжуд (яратилган) луғатларнинг тавсифи билан шуғулланиб, унда луғатлар ҳақида эмас, луғатлар ҳақида бажарилган тадқиқотлар бўйича фикр юритилади. Масалан, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг “Лексикография” мақоласи остида берилган “ҳозирги кунгача 10 га яқин хорижий тил билан ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд бир, икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи марта “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тузилиб, нашр этилди (1981). 20-аср ўзбек луғатчилиги ривожига А.Зоҳирий, А.Қодирий, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, С.Иброҳимов, Олим Усмон, З.Маъруфов, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, А.Ҳожиев, Т.Аликулов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Республика мустақиллиги туфайли ўзбек лексикографияси олдига янги давр талабларига жавоб берадиган энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш вазифаси қўйилган ва бу вазифа ўз ўрни билан амалга оширилмоқда”[9] каби фикрлар бевосита лексикография эмас, балки луғатчилик (амалий) соҳасига тегишли.

Лексикография ва луғатчилик тилшуносликнинг барча бўлимлари, хусусан, лексикология билан зич боғланган. Шу маънода бу уч бўлим фанлар таркибидаги уч босқични ўзида ифодалайди: *фундаментал соҳа; инновацион соҳа; амалий соҳа.*

Лексикология фундаментал соҳа, тил луғат бойлигининг моҳияти ва мавжудлик хусусият ва имкониятини тадқиқ қилар экан, бу жиҳати билан лексикографик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Лексикографик тадқиқотлар ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатни бирлаштиради. Назарий лингвистик хулосаларнинг янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун инновацион моделларини яратиш – лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси.

Луғатчилик ва луғатларда тилшунослик хулосалари моддийлашади ва реаллик касб этади. Мавҳум лингвистик абстракциялар аниқ татбиқларига эга бўлади.

Луғатчилик ўзида фанларнинг энг юқори интеграциясини акс эттирганлиги каби, том маънодаги луғатчи ҳам профессионал жиҳатдан интеграллашган бўлади. Оддийгина бир терминологик луғатни тартиб бериш учун ҳам лингвистик ва муайян бир соҳага хос билим синтезланади ва бу луғатни вужудга келтиради. Филологиянинг бошқа айрим соҳаларида бўлгани каби лексикография амалиётдан узилган бўлиши мутлақо мумкин эмас, ҳатто унда назария ва амалиёт энг кўп омикталашган бўлади, назария эса ана шу амалиётдан кристаллашади. Луғатчи бошқа тилшунослардан фарқли равишда ўз объектига кўпроқ яқин бўлади, аммо бу унинг назариядан узоқлашиб кетганлигидан далолат бермайди.

Бугунги кунда тил ҳақидаги соҳада, хусусан, унинг фаол тармоғи лексикографияда янги ва эски методларнинг, “маҳсулот”ларнинг, лексикографик “маданият”ларнинг диалоги кучаймоқда. Бу – табиий ҳол. Ахир, глобаллашув асрида яшаётган эканмиз, давр ҳар бир фан олдига, ҳеч қандай истисносиз, янги талабларни қўяди. Албатта, у ёки бу янги усул, ёндашув, ғоя илгари сурилар экан, унинг олдингиларидан устунлиги ва афзаллиги асосланиши, амалий натижаси самарадорлик жиҳатдан баҳоланиши, ва у, пировардида, тил тилсимининг ботинига, сўз моҳияти қаърига осонроқ ва қулайроқ кириб бориш имкониятини ярата оладими, деган саволнинг қўйилиши ўринли. Эскилик ва янгилик курашида мана шу объектив ҳолат фан, соҳа тараққиётига инерция беради. Агар янгича ёндашув ёки янги метод фақат терминологик бўёқдан иборат бўлиб, фаннинг илгари силжиши учун наф келтирмас экан, ундан вақтида воз кечишнинг ўзи ҳам тараққиётга хизмат қилади. Янгиликни фақат янги бўлгани учунгина кадрлаш халқнинг ҳаққоний маънавий тараққиёти моҳиятини тушунмасликдан далолат беради. Том маънодаги, ҳақиқий “янгилик” самарадорлиги, қулайлиги ва асосланганлиги билан характерланади.

Далилланган илмий ёки амалий янгилик ишонарли бўлиб, ўтмиш воқелигига ҳаққоний эътибор ва ҳурматни акс эттиради[2.]. Бу методологик асослар бевосита ўзбек назарий ва амалий лексикографияси тараққиёти ва ҳозирги ҳолатига ҳам, фарқланиши тақдим этилаётган *лексикография*(*луғатшунослик*) ва *луғатчилик*, *лексикограф* (*луғатшунос*) ва *луғатчи* терминларига ҳам бевосита дахлдор.

Луғатларда “замонавийлик” ва “эскирганлик” тамойили. Ҳар қандай замонавий (яратилаётган даврни акс эттирувчи) луғатни яратишда “замон” тушунчаси муайянлаштиришни тақозо этиб келган. Зеро, тилнинг лексик сатҳидай ўзгарувчан, ўзида барқарорлик ва беқарорлик зиддиятини акс эттирувчи тилнинг бошқа сатҳи йўқ. Шунингдек, “замонавий” сўзи “энг кейинги нуқта” маъносига ҳам, “энг кейинги кесма” маъносига ҳам эга. Улар бир жиҳатдан бирлашса-да, иккинчи жиҳатдан зид ҳам келади. Масалан, *замонавий* сўзи бугунги кунни ҳам, бугунги асрни ҳам, бугунги юз йилликни ҳам ифодалаш мумкин. Айниқса, бу лексикографияга қай даражада дахлдор, луғатлар замонавийлик нуқтаи назаридан қандай баҳоланади? Ахир, тилга янги сўзлар ва терминлар пайдар-пай кириб келаётган бўлса, нашр этилган луғатнинг эса уларни “қувиб юриш” имкони чекланган бўлса! Демак, нашрсиз ҳеч қачон луғат бўлмаганлиги каби, нашрнинг ўзи луғатни эскиртиради. Бу эса анъанавий нашрий луғатларга нисбатан қўлланадиган “замонавий” тушунчаси умуман нисбий эканлигини кўрсатади. Бу сифат луғатнинг нашригача ўзининг тўлақонли моҳиятига мос равишда қўлланади ва нашр жараёни тугаши билан моҳиятидан узоқлашишни бошлайди. Шунинг учун Е.Косериу замонавий сўзини ҳар қандай янги нашр этилаётган луғатнинг номидан олиб ташланиши кераклигини таклиф қилади. Унинг асоси шундай эди: тил техника, саноат, боринг-ки, адабиётдай ривожланмайди, шунинг учун эркин қўлланадиган *замонавий техника*, *замонавий адабиёт* бирикмаларидаги *замонавий* сўзини тил луғатига нисбатан қўллаш тўғри эмас. Янги сўзлар эскисига таянади, улар орасида ворисийлик бўлади, бунга монанд ҳолатни техникада, адабиётда кўриш мумкин эмас. Косериунинг фикрларини шундай тушунмоқ керакки, лингвист сўзни луғатга олар экан, уни тилдан, тилнинг оқимидан узиб олади, натижада у тилдан айрилиб, орқада қолиб кетади. Устоз тилшуноснинг фикрларини шу маънода тўғри қабул қилиш имкони мавжуд.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатлари замонавийми? “Замонавийлик” тушунчаси уларда қай даражада акс этган?

XXI аср ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, глобал “ўргимчак тўри”нинг дунёни камраб олиши натижасида on-line луғатларнинг яратилиши айнан луғатчилик соҳасида *замонавий* сўзининг ўз моҳиятини тўла-тўқис сақлаб қолишига имкон яратди. On-line луғатларгина давр билан барабар қадам ташлайди ва ундаги ҳар бир янгиликни қайд этиб бориш имконига эга.

“Замонавийлик” ва “замонавий” тушунчалари луғатларга нисбатан қўлланар экан, у тилнинг тараққиётидаги энг сўнгги нуқтани эмас, балки энг сўнгги кесмани ифодалайди. Демак, энг сўнгги вақт нуқтасидан орқага қайтиш билан тилнинг тараққиёт вақти кесмаси ҳосил қилинади. “Специфика таких понятий, как современный и современность, по отношению к языку в целом и особенно по отношению к лексикографии заключается в том, что подобные понятия опираются и на данное время (“теперь”) и на близкое прошлое время (“классики”)[2.].

Тилдаги замонавийлик нуқтаи назаридан “кесма” тушунчаси ҳар бир тилда ва унинг ҳар бир даврида ҳар хил тушунилиши мумкин. Масалан, бир тилдаги фонетик-лексик-грамматик ҳолат баъзан ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик тараққиёт билан боғлиқ равишда юз йилдан 500 йилгача ўзгармаслиги мумкин. Бу тилларнинг ўтган минг йилликдаги ҳолати билан исботланиши мумкин. X-XV аср ўзбек тили каби барча бошқа тилларнинг тараққиётини далил сифатида келтириш мумкин. Лекин бугунги кунда глобаллашув шароитида халқлараро интеграция шу даражада кучайиб кетдики, тилга бу горизонтал таъсир вертикал хусусиятга эга техник-технологик таъсир билан омикталаниб, ҳатто тилдаги ҳар бир йилни ўтмишдаги асрларга тенглаштириб юборди.

Шунинг учун тилларнинг замонавийлигини белгилаш ёки “замонавийлик” чегарасини кўрсатишда сўзларнинг бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим бўлади. Демак, “замонавийлик” тамойилларидан бири – грамматик тамойил. Грамматик тамойил сўзларнинг семантик-услубий имкониятларининг янгиланиши билан боғлиқ. Семантик-услубий бўёқларнинг янгиланиши ёки эскириши сўзларнинг валентлик имкониятларини ҳам ўзгартириб юборади. Масалан, ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида фаол бўлган *мехробдан чаён* типдаги бирикмалар маълум муддат ўтгач, яъни ўша асрнинг эллигинчи йилларидаёқ меъёр даражасидан тушиб кетди. Поляк адабий тили тарихчиси Ян Парандовский таъкидлаганидек, романтизм даври поляк адиблари XIX асргача бўлган тил билан шу асрнинг биринчи ярмига бўлган тил орасида шундай ажратиш ҳосил қилдиларки, натижада кейинги давр адиблари бу асргача бўлган тилга мурожаат қилмай қўйдилар [4]

Рухшуносликдаги сезиш ва англаш категориялари луғатларда ҳам, бошқача айтганда, луғатларга сўзларни танлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Унга кўра, луғатга олинаётган сўзларнинг янгиллиги уларнинг сезилиши билан эмас, балки англаниши билан белгиланиши керак. Маълумки, психологияда сезиш объектни қисман билиш, англаш уни тўлиқ қамраб олишни ифодалайди[1.]. Сўзларнинг эскираётганлиги ва замонавийлик бўёғидан маҳрум бўлаётганлиги унинг англаниш доирасидан сезим доирасига тушаётганлиги билан белгиланади. Буни лингвистикага шундай татбиқ қилиш мумкин. Замонавий сўз давр лисоний шахси томонидан тўлиқ англаниши керак. Агар бир вақтлар “тўлиқ англаниш” мақомида бўлиб, бироқ бугунги кунда тўлиқ англамайдиган (сезим) ҳолатига тушган бўлса, уни “замонавийлик” белгисидан холи идрок этиш керак. Агар шундай қараладиган бўлса, масалан, ўзбек тилидаги *оҳанрабо* сўзининг “магнит” маъносида англашдан кўра сезим маъноси кучлироқ. Аксинча, “тортиш” бўёғини англаш сезимдан баландроқ. Бу эса *оҳанрабо* сўзининг “магнит” маъноси эскирганлигини, “тортиш” маъноси эса замонавийлигини сақлаб қолганлигини кўрсатади.

ҚУРАЛАЙ 1 Кийик ёки охуларнинг ёш боласи.

2 *айн. қуралай кўз. Мехрибон кўзлари жигарга мойил, қуралай... “Ёшлик”.*

Қуралай кўз Қуралайнинг кўзига ўхшаш кўзли. *Қуралай кўз, бодомқовоқ, сарв қомат..* С.Сиеев, Аваз.

Бу сўзнинг биринчи маъноси сезимга, иккинчи маъноси англашга оид. Демак, иккинчи маъносини “замонавийлик” сифати билан баҳолаш мумкин.

ЧЎЛИҚ шв. Кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси. *Ойчинор балогатга етгач, уни Холиёрнинг чўлиги севиб қолади. “Фан ва турмуш”. Холбўта... ўзим ана шу чўпонга чўлиқ бўлсам.. деб ўйларди. “Ёшлик”.*

Чўлиқ сўзининг маъноси ижтимоий онгда сезим билан характерланади. Демак, бу сўзни замонавий деб бўлмайди.

ХЎКИЗ 1 Икки ёшдан ошиб, кўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қора мол. *У ердан сув чиқади деб ўйлаш — хўкиз сут беради, деб ўйлашдай гап.* Ҳ.Назир, Ёнар дарё. *У колхознинг қўш хўкизи билан ўз ерини ҳайдамоқда эди.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма сўк.* Шу молга нисбатли ҳақоратни билдиради. – *Анави хўкизни қаранг-у, манави парини! — деди Заврак анча нарида ўз чодирини ёнида турган Худододбекни яна кўрсатиб.. — бийрон ва шаддод қиз ўшанинг қўлига тушяпти.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БУҚА Бичилмаган эркак қорамол. *Буқа шохидан илинар, Одам — тилидан.* Мақол. *Ҳар куни бир нагма кўрсатадиган буқамиздан хавотирланиб, пода олдига илгарироқ чиқиб турмоқчи бўлдим. “Ёшлик”. Буқа, худди уятчан келинчакдек, ювош тортиб, хонасига кириб кетса бўладими. “Муштум”.*

Хўкиз ва *буқа* сўзларининг ҳам “бичилган” ва “бичилмаган” семалари замонавийлик нуқтаи назаридан сезим билан боғланади. Демак, улардан ҳам “замонавийлик” белгисини қидириш тўғри эмас. “Замонавийлик / эскирганлик” белгиси маълум маънода “фаоллик/нофаоллик” маънолари билан ҳам боғланиб кетади.

Ўзбек тилидаги *наинки* сўзининг маъно характеристикаси ва қўлланиш хусусиятларига тўхталамиз:

НАИНКИ [ф. – ... деб ҳам бўлмайти; аммо... унчалик эмас] юкл. 1 Шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодалайди; **наҳотки**. *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилиш-қилмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган "душман" калимаси ифода қила олса (А.Қаҳҳор, Олтин юлдуз). Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улуг гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар! (Ҳамза, Бой ила хизматчи). – Наинки Хўжа Абдулло Хотибдек бир аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз, – деди Навоий (Ойбек, Навоий).*

2 Фақат саналган нарсаларгина эмас маъносиди; бундан ташқари; **нафақат**. *Умиданинг ўзига ором олиш қачон насиб бўларкин? У ўша француздан ҳам аянчроқ ҳис қилади ўзини. Наинки вужуди, бутун ҳаёти, руҳи қийноқда (А.Мухтор, Чинор). Жимжитлик, кимсасизлик, ярим ўлик табиат наинки инсон, жониворлар юрагига ҳам ваҳима соларди. Мирмуҳсин, Меъмор.Наинки сен, ишлайверсак, бизларнинг ҳам, бил, Оғзимизга келиб қолар она сутимиз (А.Орипов, Йиллар армони).*

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида *наинки* “наҳотки” маъносиди қўлланиши далиллари кузатишларимиз бўйича Абдулла Қаҳҳор асарларида учради. “Нафақат” маъносиди қўлланишлари эса ундан кейинги давр манбаларига тўғри келади. *Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа.. ўстирса-ю, у юзига тик қараса. (Ў.Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол). У шу ёшига келиб, наинки худога, ҳатто бунини — қорача, севгилисини — хўжа деб, бир-бирларининг қовушишларига.. йўл бермай келган урф-одатларга ҳам тил тегизмаган эди (М.Исмоилий, Фарғона т.о.). Сендақа пайтимизда биз, наинки машоқ, оғзимиздаги нонимизни ҳам эл дастурхонига қўйганмиз (О.Ёкубов, Эр бошига иш тушса). Кишининг юрагини қон қилиб юборасан.. наинки мен асал олсам! Асал отликқа йўқ, ҳали биз пиёда-ку (А.Қаҳҳор, Анор).*

Бундан маълум бўладики, сўз “наҳотки” маъносиди замонавийликнинг сезим, “нафақат” маъносиди англаш даражасига тўғри келади. Демак, сўзнинг “наҳотки” маъноси замонавийлик даражасидан тушиб, эскириш босқичига ўтаёттир.

Луғатда сўз, маъно танланиши ва изоҳи муаммосига доир. Назарий ва амалий луғатчиликнинг муаммолари сирасиди сўз танлаш, шарҳлаш ва далиллаш масаласи алоҳиди аҳамиятга эга. Ҳар қандай лексикограф учун ҳам, луғатчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам луғат тўлиқ ва изоҳлар (зарур бўлса) ҳам максимал даражада бўлиши пировард мақсад ҳисобланади. Аммо ҳақиқат нисбий бўлганлиги сабабли, бошқа ишларда бўлгани каби луғатчиликда ҳам бунинг максимал даражада амалга оширилиши имконсиз, албатта. Зеро, катта тилларда сўзлар захираси муттасил бойиб боради, ўзлашма сўзлар оқими шиддат билан давом этади. Шунга мувофиқ равишда луғатларда қамраб олинган лексика ҳажмининг бўрттирилиши анъанага айланиб бораётганлиги ҳам лексиканинг қамрови луғатнинг таянч хусусияти эканлиги билан белгиланади.

Сўз танлаш ҳар қандай луғатчилик муаммоларининг марказиди туради. Ҳеч қачон ҳар қандай луғат сўзларининг миқдори бўйича мутлақ таҳсинга лойиқ эмас. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий тилларнинг лексикасидан орқада юради. Бунинг ташқи ва ички омиллари мавжуд:

биринчидан, луғатлар ташқи жиҳатдан чекланганлик хусусиятига эга;

иккинчидан, луғатлар ички жиҳатдан ўзини чеклаш хусусиятига эга.

Ана шу иккинчи жиҳат сўз танлаш муаммоси билан боғланиб кетади. Зеро, адабий нутқ ва шевавий нутқ, эскирган қатлам ва замонавий қатлам, фаол қатлам ва нофаол қатлам, апеллятив қатлам ва терминологик қатлам орасиди чегара аниқ эмас ва тилнинг узлуксизлиги бу чегаранинг бўлмаслигини тақозо этади. Шунингдек, кундан-кунга ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос равишда луғатлар турларининг кўпайиб кетаётганлиги, луғатларда ихтисослашувнинг кучайиб бораётганлиги:

биринчидан, қайси луғатга қайси сўзни танлаш; *иккинчидан*, қайси сўзни қайси луғатда бериш; *учинчидан*, қайси луғатда қайси сўзни бериш; *тўртинчидан*, қайси луғатда қандай далиллардан фойдаланиш муаммоси луғатларга сўз танлаш масаласини мураккаблаштираётган замонавий лексикографик масалалардан ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати оммабоп луғат бўлгани ҳолда терминологик маънонинг биринчи ўринга чиқарилиши лексеманинг терминологик қиррасига устуворлик бериб юборилганлигини кўрсатади. Буни темир, ҳаво сўзлари изоҳида ҳам кузатамиз:

ТЕМИР 1 Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, болғаланганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган, углерод билан қўшилганда, пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир кумуш рангли оғир металл.

ХАВО [*a.* – атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] **1** Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимлик ҳаёти учун зарур, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси.

Лексемалардаги маъноларнинг бу тарздаги берилишида ҳам юқорида айтилган сезим ва англаш категорияларининг зид муносабатини кўрамиз. Ҳолбуки, оммабоп, умумий изоҳли луғатлардаги терминологик маънолар кейинги ўринга туширилиб, энг фаол ижтимоий маъно биринчи ўринга чиқарилиши ушбу луғатнинг функцияси ва моҳиятига тўлароқ мос келади дейиш мумкин.

Луғатларнинг ўзаро фарқ ва ўхшашликлари ҳақида гап кетар экан, Л.В.Шчербанинг бу борадаги қимматли бир мулоҳазасини келтиришни ўринли деб биламиз: “Менинг вазифам бирмунча бошқачароқ: биринчидан, луғатлар орасидаги фарқларни кўрсатишдан кўра, ўхшашликларни таъкидлаш керак деб ўйлайман. Луғатларни шу нарса яқинлаштирадики, барча луғатлар сўзлар ва нарсалар билан иш кўради, барчаси инсонларнинг аниқ билимлари дунёси билан бирга, тасаввурлари оламини акс эттирадиган тил лексикасини таҳлил қилади. Аммо у ёки бу даражада луғатлар сўз ёки нарсалар мавжудлиги, ҳатто сўз ёки нарса фақат инсон тасаввуридагина ҳукм сурганлиги учун муаммо дуч келадилар, агар борлиқда ҳам, тасаввурда ҳам улар бўлмаса, муаммо ҳам бўлмас эди. Бу барча материалистик лексикография тамойиллари мавжудлигининг асоси.

Қомус нарса-ҳодиса, унинг моҳияти, кўринишлари, хусусиятлари, турлари талқинини берса, изоҳли луғат ифоданинг бош ва кўчма маъноларини тавсифлаш билан банд бўлади. Изоҳли луғат семантик, қомусий луғат тушунчавий жиҳатини қамраб олганлиги сабабли уларнинг йўналишлари ажралади: 1) ифодадан маънога (изоҳли луғат); 2) ифодадан тушунчага (қомусий луғат).

Бу жўн масала нега таъкидланаётир? Чунки лингвистика маъно, мантиқ тушунча билан машғул бўлади деган қарашлар лексикографияда ўзини оқламай қолади. Зеро, лексикографияда лингвистик ва мантиқий чегаралар “ювилиб кетади”. Шу маънода Ф.де Соссюрнинг “единственным и истинным объектом лингвистики язык, рассмотренный в самом себе и для себя” деган фикрлари бирёқламадек тасаввур уйғотади. Бу бугунги кунда фанлар интеграцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда лингвистиканинг ўрни қандай бўлиши керак деган масалани ҳам кун тартибига қўйишга ҳам асос бўлади. Тилшуносликни шу тарзда ёпиқ системага айлантириб қўйган XX аср ҳали ундан кўп қарздор. Демак, тилшунослик ва мантиқ уйғунлиги ва ҳамкорлиги лексикографик амалиётда муҳим тамойиллардан бири.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лексикографияда табиий ва сунъий тил ҳам омихлашиб кетганлигини кўрамиз. Бу масалани қўйиш ўринлими, терминологик системани тилнинг ижтимоий келишув асосида шаклланган сунъий тизими деб аташ тўғрими деган муаммо ҳам пайдо бўлади. Аслида муайян бир тилдаги терминологик тизимдаги сўзлар икки кўринишда бўлади:

-ўз қатлам терминлари; -ўзлашма қатлам терминлари.

Ўз қатлам терминлари аслида тилимизда мавжуд бўлган сўзларнинг терминологик моҳият касб этишидир: *қўшув*, *айирув*, *бўлиш*, *кўпайтириш*, *ёниш*, *тезлик*, *куч* каби. Бу

ифодаларда ҳеч қандай сунъийликни кўриш ёки қидириш мумкин эмас. Бироқ ўзлашма терминлар гўё ўйлаб топилгандек тасаввур уйғотади. Аммо улар ҳам қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша тил учун бизнинг ўз қатлам терминларимиз каби табиийликка эга. Шунингдек, терминологик қатламга мансуб бўлмаган ўзлашмаларни сунъий деб баҳолай олмаслигимиз ҳам “сунъий” терминларга муносабатимизни ўзгартиришни талаб этади. Ҳеч қачон қандайдир бир алоҳида фан тили бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат яхлит лисоний имкониятдан ўзига хос кўринишда намоён бўлган илмий нутқ, фан баён услуби бор, холос. Шунда яна асосий муаммо қайси луғатда қайси маънога урғу ва устуворлик бериш, изоҳ учун қайсисини танлаш масаласи бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Ананьев Б. Г. Психология чувственного познания. – М., 1960. – С. 25.
2. Будагов Р. А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – С. 5-6.
3. Виноградов В. В. Семнадцатитомный академический словарь современного русского литературного языка и его значение для советского языкознания // Вопросы языкознания. – 1966. - № 6. – С. 25.
5. Ожегов С. И. Лексикология, Лексикография. Культура речи. – М., 1974. 4.
6. Парандовский Я. Алхимия слова. – М., 1972. – 146.
7. Шерба Л. В. Опыт общей теории лексикографии // В его кн.: Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974;
8. ЎзМЭ

ТЕРМИН ВА КАТЕГОРИЯ ТУШУНЧАЛАРИ ИЗОҲИ ТЎҒРИСИДА

Кулдашова Н. Б. (БухДУ, таянч докторант)

Дунёда илм-маърифат тараққий этиш баробарида, янги ғоялар, янги қарашлар, янги терминлар пайдо бўлиб бораверади. Тилшуносликда янги терминларнинг кириб келиши эса янги имкониятларни очади, лексикология ва терминологияни соҳаларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, ўзига хос қийинчиликларни ҳам пайдо қилишини инкор этиб бўлмайди.

Терминларнинг илм-фанда тутган ўрни беқиёсдир. Ҳар бир соҳада қўлланадиган термин ёки унинг ифода шакли аниқ ва равшан бўлмас экан, унда, албатта, чалкашлик, ноаниқлик каби салбий ҳолатлар юзага келаверади.

Тилшуносликда термин ва терминология, терминшунослик соҳасида олиб борилаётган қатор тадқиқотлар бўлсада, термин ҳақидаги таъриф, айниқса, терминологиянинг тарихий илдизлари, шаклланиши, маданий-тарихий ривожланишига тараққиёт босқичлари, термин тушунчаси ҳамда унга доир муаммолар, терминларнинг миллий ўзига хослиги, шунингдек, уларнинг композицион жиҳатлари каби масалалар юзасидаги монографик ишларнинг кун тартибига қўйилиши амалга оширилган тадқиқотларни ҳар жиҳатдан пухта ва холис баҳолашга имкон беради.

Термин (*лот.* terminus – чек, чегара) – илм-фан, техниканинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасидир²⁰. Термин – илм-фанда, техникада, санъатда қўлланиладиган бирор бир тушунчани аниқ англатадиган сўз ёки сўз бирикмасидир, умумдабий сўзлардан фарқли ўлароқ терминларга экспрессивлик ва кўпмаънолилиқ хос эмас²¹.

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: ЎзМЭ, 2008. - Б. 73.

²¹ Розенталь Д. Э. и Теленкова М. А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., 1976. – 486 с.

МУНДАРИЖА

I - БЎЛИМ ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК: АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

<i>Хамидов О.Х.</i> Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда АКТ ва чет тилларнинг моҳияти.....	3
<i>Зикриллаев Ғ., Менглиев Б., Жумаев Э.</i> Улуғ адиб сабоғи.....	5
<i>Қувватова Д.Ҳ., Раджабова М.</i> Ўзбек тилида шахс номи билан келган фбларнинг гендер хусусиятлари.....	9
<i>Jurayeva M.M.</i> L'expression des categories de modalite dans les contes français et ouzbeks.....	13
<i>Қаришибаева У.Д.</i> Шатобриан асарлари қаҳрамонларининг диний ғояларга таяниши.....	15
<i>Хайруллаев Х.</i> Лингвистик бирликлараро иерархия: жараён, тавсиф, муносабат.....	17
<i>Жуманиёзов З.О.</i> Tilning leksik tarkibini tarjima qilish masalalari.....	19
<i>Жуманиёзов З.О., Жуманиёзова Н.К.</i> Аслият ва таржима тиллари ўртасида лисоний ва маъновий тафовутлар.....	21
<i>Низматова Л.Х.</i> Ўзбек тили умумий корпусларида тил ва маданият уйғунлиги муаммоси.....	24
<i>Rasulov Z.I.</i> The problem of language economy from the perspective of language evolution.....	32
<i>Jamolova G.</i> Stendalning “parma ibodatxonasi” asarida milliylikka munosabat.....	35
<i>Ҳайдаров А.А., Муртазоев О.Н.</i> Тил бирликларида коннотатив маънонинг ифодаланиши.....	36
<i>Ҳайдаров А.А., Муртазоев О.Н.</i> Интонация, пауза ва урғу билан боғлиқ коннотатив маъноларнинг ифодаланиши.....	39
<i>Файзуллаев М.Б., Мухаммадова А.О.</i> Поэтика стихов а.наваи в переводах.....	41
<i>Saparova K.O.</i> Phonostylistic properties of terminological vocabulary and problems of its study.....	44
<i>Sharipov F.I.</i> Social influences on language variation.....	46
<i>Akhmedova M.B.</i> The development of “spirituality” terms.....	48
<i>Файзуллоев О.М., Мухаммадова А.О.</i> Таржиманинг маҳсулли усуллари.....	50
<i>Komilova G.</i> Stylistic difficulties of translation in modern English.....	52
<i>Мухтарова Ш.Ф.</i> Заимствования археологической терминологии.....	54
<i>Носиров О.Т., Ниёзова М.Ш.</i> Репрезентация концептосферы «времена года» в узбекской лингвокультуре.....	57
<i>Усмонова Ш.А.</i> Медиалингвистика оав тилига оид тадқиқотларни ўрганади.....	59
<i>Каримова Д.Ҳ.</i> Бадиий - тасвирий воситалар ва таржима.....	61
<i>Рўзиев М.К.</i> Генрих теодор бёлльнинг «масхарабознинг қарашлари» романида асосий.....	63
<i>Tursunov M.M.</i> A glimpse on conceptual metaphors.....	64
<i>Шарипов С.С.</i> Лексикография ва луғатчиликнинг янгиланиш тенденцияси.....	68
<i>Қулдашова Н.Б.</i> Термин ва категория тушунчалари изоҳи тўғрисида.....	74
<i>Saidov Kh.</i> Oral corpora in the field of linguistics.....	76
<i>Собирова З.</i> Туризм атамаларининг инглиз тилидаги лексик-семантик тадқиқи.....	79
<i>Джумаева Н.</i> Фонетик стилистик воситаларнинг macmillan english dictionary for advanced learners луғатида берилиши.....	81
<i>Шукурова М.А.</i> Развитие лексико-понятийного поля этики хvi-xviii веков.....	84
<i>Ҳожиева Ғ.С.</i> Санъат терминларининг миллий-маданий тадқиқи.....	87